

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИДА ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ж. Э. Пардабоев

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
ўқитувчиси

Л. Ш. Хайитова

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
магистри

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада технология фанида халқаро баҳолаш дастурларини амалиётга тадбиқ этишнинг аҳамияти мазмуни, таълимнинг халқаро тадқиқотларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан имкониятларни баҳолаш тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: халқаро тадқиқотлар, халқаро баҳолаш, тадқиқотчилик, кўникма, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, PISA, XXI аср кўникмалари.

THE IMPORTANCE OF IMPLEMENTING INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAMS IN TECHNOLOGY

J. E. Pardaboyev

Teacher, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

L. S. Khayitova

Master student, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

ABSTRACT

The article discusses the importance of implementing international technology assessment programs, assessing opportunities for preparing and conducting international research in education.

Keywords: international research, international assessment, research, skills, critical thinking, creativity, PISA, 21st century skills.

КИРИШ

Бугун содир бўлаётган глобал ўзгаришлар юқори технологияли, рақобатбардош дунёда, мактаб ўқувчиларини интеллектуал салоҳиятига қўйиладиган талабларни ортиб бориши натижасида битирувчиларнинг мустақкам тизимли билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, тадқиқот технологиялари, илм-фан соҳасида ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантириш, маданият, стереотипларни енгиш компетенцияларини шакллантиришга тайёр бўлиш зарурати вужудга келмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарори ижроси доирасида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИНТТ) ўртасида “Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш халқаро дастури (PISA 2021) да иштирок этиш” тўғрисида келишув тузилган бўлиб PIRLS, TIMSS, PISA ва TALIS халқаро тадқиқотларини таълим жараёнида амалиётга тадбиқ этиш ва ўқувчиларни табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш дастурини ишлаб чиқиш вазифалари қўйилган.


Ушбу вазифаларни ИНТТ номидан амалга ошириш учун ACER вакили Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мазкур ташрифнинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистон таълим тизими, унинг бошқарув тузилмалари ҳақида маълумотлар билан танишган ҳолда PISA 2021 тадқиқотларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан имкониятларни таҳлил қилиш ҳамда ривожлантириш режасини ишлаб чиқишдир.

PISA (инглизча - Programme for International Student Assessment) – турли давлатларда 15 ёшли ўқувчиларнинг (ўқиш, математика, табиий фанлар) саводхонлигини ҳамда билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини баҳоловчи дастур. PISA – ўқувчиларни таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур bo‘lib, ундаги тест жаҳон давлатларидаги мактаб ўқувчиларининг билими ва уларни амалиётда қўллай олиш маҳоратини баҳолайди. Дастурнинг асосий мақсади - 15 ёшли ўқувчиларнинг таълим даргоҳида олаётган билим ва тажрибаларини ижтимоий муносабатларда ва инсон фаолиятида учрайдиган турли хил ҳаётий вазифаларни ечишда қанчалик фойдалана олиш қобилиятини баҳолашдир.

Технология фанидан PISA таълимий ютуқларини баҳолаш халқаро дастуридан фойдаланиш, уни амалиётга тадбиқ этишда ўқувчилар саводхонлигини баҳолашда нималарни? қандай кўникмаларни баҳолаш зарурияти туғилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда технология фанини ўқитишда шакллантириладиган кўникмалар мажмуи ўқувчилар ақлий ва амалий кўнималарини шакллантиришга қаратилган бўлиб, халқоро тажрибалар ўрганилганда замонавий таълим технологиялари ёрдамида ривожланган мамлактлар таълим тизмида ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган кўникмаларга 4К деб номланган кўникмаларга ((4К) XXI аср кўникмалари – танқидий фикрлаш малакалари, ўзаро ҳамкорлик ва коммуникация қобилияти, ишга ижодий ёндашув диққат марказида бўлмоқда) айтилмоқда. Шундай қилиб, келажакнинг асосий кўникмалари 4К (коммуникация; кооперация; танқидий фикрлаш; креативлик) тавсия этилмоқда. Ушбу кўникмалар одатда Soft Skills (мослашувчан кўникмалар, юқори профессионал компетенциялар) деб номланади.



Ушбу кўникмаларни технология фанини ўқитишда шакллантириш ва баҳолашда ўқувчилар ўзлаштириш даражалари турличалиги ҳамда иш ҳаракат,

меҳнат операцияларини бажариш жараёнида амалга ошириш, технология фанига ўзгача ёндашувни талаб этади. Технология фанининг амалдаги жорий ҳолати ва тўпланган тажрибалар таҳлили мавжуд бўшлиқ ва камчиликлардан келиб чиққан ҳолда, аввало, технология фанини ўқитишни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб олиш керак. Бу тенденцияларга:

таълим соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

технология фани Давлат таълим стандарти талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

технология фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини интеграцион ёндашувлар асосида ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ этиш;

технология фани мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган технологик саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш.

Белгиланган тенденциялар, стратегик мақсад ва уни амалга ошириш натижасида кутиладиган натижалар қуйидагилардан иборат:


давлат таълим дастурлари таркибига кирувчи технология дарслари ўқувчиларда метафан, XXI аср ва ҳаётини кўникмаларини, битирувчиларда ностандарт шароитларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш, таълимнинг барча босқичларида муҳандислик қобилияти ва ижодкорликни ривожлантириш ҳамда мустақил ҳаётда зарур бўладиган меҳнат кўникмаларини ўзлаштириш, мактабдан кейинги таълим босқичига ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва дунёқарашларни шакллантиради;

Ўқувчиларни таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур асосидаги тестларнинг ўқувчилар учун аҳамиятини технология фани мисолида кўриб чиқсак, ўқувчиларда технология фанига бўлган қизиқишларини орттириш, таянч компетенцияларни шакллантириш учун таълим жараёнида амалий ва ностандарт характердаги ижодий топшириқлардан фойдаланмасдан бўлмайди. Бундай ижодий топшириқлар ўқувчиларда анализ, синтез, аналогия, умумлаштириш, дедукция ва индукция каби мантиқий мушоҳада юритиш фаолиятини, интуиция, эгилувчанлик ва мослашувчанлик каби фазилатларни ривожлантириб, ўқувчиларни олинган натижалар устида танқидий фикрлашга ўргатади. Кўпинча амалий ва ностандарт характердаги


топшириқлар ечими дархол топилмасдан, бир неча бор уринишлар натижасидагина аниқланишлиги сабабли, бу мақсадга эришиш учун тиришқоқ бўлишликни, яъни шахснинг иродалилик каби жуда аҳамиятли сифатларни таркиб топишига имкон беради. Ва ниҳоят, энг асосийси:

Бундай топшириқларни бажарилиши ўқувчиларга натижага эришилганлик билан ва шунингдек ечим йўлининг гўзаллиги ва анъанавий эмаслиги билан боғлиқ бўлган катта эмоционал завқ берилиши катта аҳамиятга эга. Бундай топшириқлар барча таълим босқичларда киритилиши лозим.

Масалан: **1-топшириқ.** Сиз оддий қоғоз картон ёрдамида турли усулларда ўйин тошчаларини ясашингиз мумкин. Қуйида 4 та куб ёйилмаси берилган, ёйилмада очколар қўйиб чиқилган. Ўйин тошларининг ўзига хос қоидаси асосида қайси ёйилмалардан куб яшаш мумкин?



2-топшириқ Диёра қоғоздан коробка ясамоқчи. Чап тарафдаги қайси шакллардан ўнг тарафдаги коробкани яшаш мумкин?



Шунга ўхшаш тестлардан фойдаланиш натижасида ўқувчилар таълимнинг барча босқичларида фаол иштирок этишлари мумкин. Бу эса ўқувчиларда қуйдаги кўникмаларини шакллантириш мумкин:

ўз фараз ва саволларини шакллантириш,
бир-бирига маслаҳат бериш, мақсадларни қўйиш.

Математик ва табиий фанларнинг йиғиндиси нимадан иборат-саводхонликми? Аввало, булар умум таълим фанларнинг таркибий қисми ҳисобланиб ўқувчининг назарий ҳамда амалий кўникмаларини ҳаётий муаммоларга тадбиқ этиш асосида фан компоненти, функционал саводхонликни ўз ичига олади. Функционал саводхонлик коммуникатив, ахборот билан боғлиқ бўлган фаолият компоненти – ўқиш ва ижтимоий компетенциялар ҳисобланади. Бу эса шуни англатадики билимлар қанчалик амалий йўналтирилган бўлишидан қатъий назар, маълум умумий кўникмаларни талаб қилади. Умумий кўникмаларни баҳолаш эса ўқитувчидан бир мунча маҳорат талаб этади.

Ўқитувчи тамонидан муаммони ҳал қилишда фаолият майдонини қуйидагича режалаштириш тавсия этилади:

- ўқувчиларни ҳақиқий вазиятларга солиш;
- ўргатилиши керак бўлган стратегия сифатида симуляцияни амалга ошириш;
- метафан таълим натижаларини шакллантириш;

Ушбу йўналишнинг устувор йўналишларидан бири лойиҳага йўналтирилган таълимнинг замонавий амалиётларини ташкил этиш ҳар қандай ёшдаги ўқувчига муҳандислик бўйича таълим маконини танлаш имконини яратишдан иборат.

Инсоннинг ақлий ривожланиши у тўплаган ахборотлар, билимлари кўлами билан белгиланмайди. Қайси ўзлаштирилган ўқув материали ақлий ривожланишга сабаб бўлганлигини аниқлаш учун ўқув материали қандай ўзлаштирилганлиги, бунда қайси фикрлаш қобилиятлари ва қайси интеллектуал кўникмалар иштирок этганлигини билиш лозим. Ўқувчи билимларни ўзлаштиришда қўллайдиган фикрлаши, кўникма ва усуллари, интеллектуал кўникмалари, асосийси шакллантирилган операциялар (малакалар) тизими имкониятлари ва кўчирилиш кенглиги, яъни мос равишдаги ривожланиши кўрсаткичлари ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам таълим жараёнида

ўқувчиларга фақатгина билимларни эмас, балки мос равишдаги тўлақонли кўникмаларни ҳам шакллантириш талаб этилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ўқувчиларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар, назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши, ўқувчиларнинг мавзу юзасидан муайян тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва ҳолис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда изчиллик, узвий ҳамда бир-бири билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарори.
2. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 2004. – 314 б.
3. Leaning, M. A study of the use of games and gamification to enhance student engagement, experience and achievement on a theory-based course of an undergraduate media degree.// Journal of Media Practice, 16(2), 2015. Pp. 155- 170.
4. Сосновский С.А., Гиренко А.Ф., Галиев И.Х. Информатизация математической компоненты инженерного, технического и естественнонаучного обучения в рамках проекта MetaMath.// Образовательные технологии и общество. Выпуск № 4, том 17, 2014. - С.446- 457.
5. Байденко В.И. Болонский процесс: Результаты обучения и компетентностный подход (книга- приложение 1) / Под науч. ред. д-ра пед. наук, профессора В.И. Байденко. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2009. – 536 с.
6. Pardabaev J.E. ““STEAM” - Education as an innovative approach to the development of vocational training for students” // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 8 No. 3, 2020. ISSN 2056-5852